

Исломда мерос низоми ва унинг асослари

15:49 / 18.04.2017 5364

а) Меросга доир ҳукмлар:

1. Рукни
2. Шарти
3. Сабаби

б) Меросдан ман қилувчи нарсалар

в) Эркак ва аёллардан бўлган ворислар

Мероснинг рукнлари учтадир:

- 1.Муваррис - вафот этган киши, яъни мерос қолдирувчи
- 2.Ворис - сабаблар туфайли меросга ҳақли бўлган киши.
- 3.Маврус - маййит қолдирган мол, кўчмас мулк каби нарсалар. Буни ирс (**ثريا**), турс (**ثارت**) мерос (**ثاريم**) тарика (**ةكارت**) деб ҳам аталади.

Мазкур уч рукннинг барчаси мавжуд бўлгандагина, мерос юзага келади. Агар улардан бири бўлмаса, мерос вужудга келмайди.